



«O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ

2017 -yil «02» 03

TOSHKENT

№ 325-НЗ

«Мехнат муҳофазаси бўйича мониторинг ўтказиш тўғрисида»

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда ишчи-ходимларнинг ҳаёти ва соғлигини таъминлаш бўйича профилактик чораларни амалга ошириш, хавфсиз иш шароитларини таъминлаш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш, электр хавфсизлигини, хавфли саноат объектларидан хавфсиз фойдаланишни ва техник назоратини кучайтириш мақсадида, буюраман:

1. Мехнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи в.б Р.Р.Асомхужаев, йўл хўжалиги бошқармаси бошлиғи Э.Р.Умματος, электр таъминоти бошқармаси бошлиғи М.М.Сулаймановларга:

1.1. Мехнат муҳофазаси, хавфли саноат объектлари ва экология ҳолати бўйича жамият корхоналарида тасдиқланган йиллик жадвалга асосан 2017 йил март ойида “Бухоро МТУ” УК тасарруфидаги Самарқанд ва Навои узелидаги корхоналар, “Самарқанд” харбийлаштирилган кўриклаш командаси, “Самарқанд” темир йўл шифохонаси, МСЭС Самарқанд филиали, Самарқанд вагон депоси (ВЧД-6), Самарқанд темир йўл коллежи, “Самарқанд” ёкилги омбори, “Сардоба темир йўл агросаноат ажмуаси” УК да мониторинг ўтказилсин.

1.2. “Бухоро МТУ” УК да мониторинг ўтказиш учун қуйидаги меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси мутахассисларини, йўл хўжалиги ва электр таъминоти бошқармаси меҳнат муҳофазаси муҳандисларини 2017 йил 13 мартдан 20 мартгача хизмат сафарига юборилсинлар:

Медешев Б.Э.- меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиқ ўринбосари;

Раҳимжанов Б.А.-меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бўлим бошлиғи;

Асалов Б.М -меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси;

Атаджанов М.Д- меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси етакчи муҳандиси;

Абдурахманов Ш.А - меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси эколог-муҳандиси;

Рустамов И.И.- йўл хўжалиги бошқармаси меҳнат муҳофазаси етакчи муҳандиси;

Перелигина Л.В. – электр таъминоти бошқармаси меҳнат муҳофазаси етакчи муҳандиси.

2. Мониторинг ўтказиш даврида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилсин:
мехнат муҳофазаси ва хавфли саноат объектларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича бошлиқлар, ўринбосарлар ва бош муҳандисларнинг шахсий меъёрий мажбуриятларини бажарилиши;

мехнат муҳофазаси ва шароитларини яхшилаш бўйича илғор тажрибаларни ва мехнат муҳофазаси ишини бошқаришни такомиллаштириш бўйича ишларни жонлантирилиши;

мехнат муҳофазаси ва шароитлари ҳолати таҳлили ва келажакда мехнат муҳофазасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича келишилган чораларни ишлаб чиқилганлиги;

мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги муҳандисларининг ишларни ташкиллаштирилиши ва билимлар синовидан ўтганлиги;

иш жойларини шаходатлашдан ўтказиш ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилинганлиги;

мехнат муҳофазаси ва хавфли саноат объектларидан фойдаланиш бўйича меъёрий ҳужжатлар, қоидалар ва низомларнинг бажарилиши.

3. Хавфли саноат объектларидан фойдаланишда қўпол бузилишларга йўл қўйилганлиги ҳолатлари аниқланганда, яъни Қоидалари талаблари тўлиқ таъминланмаганда дарҳол объектлар ва ускуналарнинг иши, белгиланган тартибда тамғалаш йўли билан тўхтатилсин.

4. Мониторинг натижаларига асосан далолатнома тузилиб, муҳокама ўтказилсин ва ишларни ташкиллаштириш бўйича тавсиялар берилсин.

5. “Бухоро МТУ” УК бошлиғи Ш.Ш.Нурматов, “Ўзвагонтаъмир” АЖ бош директори Ш.Х.Атаджанов, “Сардоба темир йўл агросаноат мажмуаси” УК бош директор М.Х. Холматовларга:

мониторинг ўтказишда бош муҳандис ва мехнат муҳофазаси муҳандисини шахсан иштирокини таъминлаб, зарур ҳолатларда автотранспорт ажратилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатилсин;

аниқланган камчиликларни бартараф этилиши бўйича жавобгар шахслар кўрсатилган ҳолда чора-тадбирлар, жадвал ишлаб чиқилсин ва мехнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

7. “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ бош директори Ж.Т.Нурмухамедовга мехнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси талабномаси асосида мехнат муҳофазаси вагонини йўловчи поездларга қўшилиши таъминлансин.

8. Хизмат сафарига юборилаётган ходимлар билан 2017 йил 03 январдаги 1-Н сонли “Хизмат сафари тартиби тўғрисидаги” буйруқга асосан навбатдан ташқари йўл - йўриқ ўтказилсин.

9. Ишларни бошқариш дирекцияси бошлиғи в/б Р.А.Иноғомовга тақдим этилган мониторинг ўтказиш режа-тадбирига асосан белгиланган тартибда хизмат сафари ҳужжатлари расмийлаштирилсин. Бориш ва келиш поездда амалга оширилсин.

10. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш мехнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи в.б. Р.Р.Асомхўжаев зиммасига юклатилсин.

Жамият бош менежери-
бош муҳандиси



Х.Н.Хасилов